39-40 (369-70)

2003 йил 8 октябр

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 281-кун

2
- Сайловда сийлов бўлмасин.
- Маҳалла мавзусида мунозара

3
- Элликқалъа намунаси
- Зиёратгоҳ обод бўлди

4
- Савдогарнинг хаттот ўғли.
- Мутлоқ чемпион — Алина

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилшши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди.

Йиғилишда 2003 йилнииг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан Кенгаш аъзолари мамлакатимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан янада илгарилаб бораётганлиги ҳамда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан мазкур сайлов кампаниясиниг аҳамияти янада ошганлигини таъкидладилар. Бу тадбир Обод маҳалла йилида ўтаётганлиги унинг аҳамиятини янада оширмоқда. Сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГРУЗИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг таклифига биноан 2003 йил 9-10 октябр кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А.Ҳ.Комиловни Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 октябр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 октябр

ТАШАББУС ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 7 октябрь куни янги тузилаётган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

СУРАТЛАРДА: учрашув пайтидан лавҳалар. Д.ЮСУПОВ олган суратлар

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, умуман халқ фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Бугун мамлакатимизда 240 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Уларнинг саксон беш мингини фермер хўжаликлари ташкил этади.

Юртбошимиз бу ерга тўпланганлар янги партия тузиш ташаббуси билан чиққанини, бундай ташаббус Конституциямиз ва амалдаги бошқа қонунлар доирасида, ҳар томонлама чуқур мушоҳада билан амалга ошириладиган бўлса, уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини айтди.

Мустақиллик юртдошларимиз онгида катта ўзгаришлар ясади. Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик билан шуғулланишга кучли рағбат уйғонмоқда. Улар ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Учрашувда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати фаоллари - Ўзбекистон либерал-демократик партиясини тузиш ташаббус гуруҳи аъзолари: «Пахтабанк» бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Тошкент шаҳридаги «Файз-барака» компанияси раҳбари М.Акромова, Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги бошлиғи И.Назаров, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими Ш.Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳимоялаш, соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги эътибори ва янги партия тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

/ЎзА/

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

Фуқаролар Йиғинлари раисларининг /оқсоқолларининг/ ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддасида ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Реслубликаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари /оқсоқоллари/ ва улар маслаҳатчилари сайловини ўтказишни таъминласин.

2. Шу муносабат билан:

туман ва шаҳарлар ҳокимларига фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни, шу жумладан мазкур органларга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари /оқсоқоллари/ ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлашда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайловни кенг ёритиш тавсия этилсин.

3. Олий Мажлис Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлари тасдиқлансин.

4. Олий Мажлис Котибияти Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар ва Котибият ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

5. Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси сайлов кампанияси мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан билдирилган таклифларни умумлаштирсин ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари /оқсоқоллари/ ва улар маслаҳатчилари сайлови якунлари тўғрисида 2004 йилнинг 15 январига қадар Олий Мажлис Кенгашига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 октябрь

"Mahalla"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР: "Идорага ёлчимаган йиғинлар" 2003 йил 18 июн.



Мақолада Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги бир нечта маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг идораси йўқлиги улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётгани танқид остига олинганди.Бу мақола юзасидан вилоят ҳокимлигидан қуйидаги жавоб хатини олдик:

ЭНДИ ЙИҒИН ИДОРАГА ЁЛЧИДИ

"Ёзёвон тумани ҳокимлигининг шу йил 4 июль куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ушбу мақолада келтирилган фактлар атрофлича муҳокама этилиб, зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги "Mahalla" газетасида кўрсатилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни бартараф этиш мақсадида Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинига Ёзёвон тумани фермерлар уюшмаси жойлашган бинодан тўрт хона ажратиб берди. Бино тезда таъмирланиб, телефон туширилди. Қишлоқ фуқаролар йиғини ходимлари ҳозирги кунда ушбу жойда фаолият кўрсатишяпти.

Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қум маҳалласи фуқаролар йиғини ҳам мақола чиққан кунгача ўз биносига эга эмас эди. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам тўрт хонали жой ажратиб берилди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги мавжуд 32 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларини ҳар бири келгусида ўзининг муқим биносига эга бўлиши бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилади. Шу мақсадда ҳудудлардаги ишлаш учун қулай бўлган бўш бинолар маҳалла фуқаролар йиғинлари ихтиёрига олиб берилмоқда.

Г.МАЪРУФОВА,
Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси."

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилиб келинаётган анъанавий «Футболимиз келажаги» маҳалла болалари футбол турнирининг ушбу йилги мусобақалари ҳам ниҳоясига етди.

Суратда: 13-14 ёшлилар баҳси ғолиби Тошкент вилояти Зангиота тумани Эшонгузар маҳалласи ёш футболчилари.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

«Футболимиз келажаги» — 2003

«Маърифатчи стадионсиз қоладими?», 2003 йил 30 июл.

МАЪРИФАТЧИ СТАДИОНСИЗ ҚОЛМАДИ?»

Урганч шаҳридаги Маърифатчи маҳалласи фуқароларининг маҳалла ҳудудидаги 6-ўрта таълим мактаби спорт майдони якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга бўлиб берилаётгани ва шу сабабли болалар ўйингоҳисиз қолаётганидан ташвишланиб таҳририятга йўллаган мактублари чоп этилганди.

Мақолада келтирилганидек аҳоли талабига кўра 6-ўрта таълим мактабининг эски спорт майдонидан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш тўхтатилиб, бу жойни замонавий спорт майдонига айлантириш режалаштирилди.

К.ҲАЙИТОВ
Урганч шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари.

«Обуна-2004»

Эшитмадим, деманглар, обуна уюштирувчи учун таҳририят мукофоти бор!

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича:

ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига 2 тадан кам бўлмаган ва обуналар сони 1000 донадан (фуқаролар йиғини сони 400 тадан кам бўлса, 850 донадан, 300 тадан кам бўлганда 700 донадан) ошиқ йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимига 1 дона компьютер жамланмаси, ушбу шарт 80 фойизга бажарилганда рангли телевизор;

Туманлар бўйича:

ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига йиллик обуна 2 донадан кам бўлмаган ва умумий йиллик обуналар сони 120 донадан (фуқаролар йиғини сони 40 тадан кам бўлганда 90 дона, 30 тадан кам бўлганда 70 донадан) кам бўлмаган йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига бир дона рангли телевизор, ушбу шартлар 80 фойизга бажарилганда оқ-қора тасвирли телевизор;

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича:

ҳар бир маҳалла ҳисобига йиллик обуна 3 донадан, умумий сони 25 тадан кам бўлмаганда фуқаролар йиғинига оқ-қора телевизор.

Ўз маҳалласида 10 донадан ошиқ йиллик обуна уюштирган маҳалла фуқаролар йиғинига таҳририятнинг 50 минг сўм пул мукофоти берилади.

ТАҲРИРИЯТ

Обуна-2004

Mahalla

-Яна нима дейди?
-2004 йил учун обуна бўламиз, - деяпти.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

Яқин Шарқ: ВАЗИЯТ ЯНА КЕСКИНЛАШДИ

Ўтган шанба куни Исроилнинг Хайфа шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати Исроил ва Фаластин ўртасидаги зиддиятни янада алангалатди.

Женин шаҳридан келган йигирма яшар фаластинлик террорчи аёл «Максим» ресторанида портловчи қурилмани ҳаракатга келтириши оқибатида ўн тўққиз киши қурбон бўлди ва олтмишга яқин одам жароҳатланди. Террорчилик ҳаракати учун жавобгарликни «Ислом жиҳоди» ташкилоти ўз зиммасига олди.

Бунга жавобан Исроил армияси Женин шаҳрида комендантлик соати жорий қилди. Шунингдек, Исроил ҳарбий вертолётлари Ғазо минтақасидаги фаластинликлар лагерларига зарба берди.

Ўтган якшанба куни кечаси эса Исроил ҳарбий самолётлари Сурияннинг шимолидаги фаластинликларга тегишли лагерларга ракета йўллади. Бу Исроилнинг Сурияга нисбатан сўнгги йигирма йил ичида амалга оширган биринчи ҳаво ҳужуми бўлди. Исроил 1982 йилда Ливанга ҳужуми вақтида Сурияга қарши ҳарбий авиацияни қўллаган эди.

Исроил ҳукуматининг хатти-ҳаракатлари Сурия ва Фаластиннинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Фаластин миллий-озодлик фронти вакиллари авиазарба натижасида тинч аҳоли вакиллари жабр кўрганини маълум қилди. Уларнинг таъкидлашича, Исроил террорчи тайёрлаш маркази сифатида гумон қилиб, фаластинлик қочқинлар жойлашган лагерга зарба берган.

Исроил ўзининг бу хатти-ҳаракатларини расмий Дамашқнинг террорчи гуруҳларга бошпана бергани учун жазо сифатида изоҳлади.

Исроил ҳукумати расмий вакили Раанан Гисин, журналистлар билан учрашувда, Сурия террорчиларни яшираверса, унга нисбатан бундай ҳарбий ҳаракатлар давом этажагини маълум қилди.

Душанба куни Сурия ҳукумати талаби билан Нью-Йоркда мазкур можаро юзасидан БМТ Хавфсизлик кенгашининг фавқулодда йиғилиши чақирилди.

АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Жон Негропонте Исроил ва Сурияни вазиятни мураккаблаштирувчи ҳар қандай кескин чоралардан тийилишга чақирди. Унинг таъкидлашича, икки томон ҳам бундай хатти-ҳаракатлар келгусида тинчлик режаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини англамоғи даркор.

АҚШ дипломати расмий Дамашқни террорчиларга ўз ҳудудидан паноҳ беришда айблади. Бунга далил сифатида Ж.Негропонте Яқин Шарқ ахборот маҳкамаларининг Сурия ҳудудида террорчи тайёрлаш марказлари мавжудлиги тўғрисидаги хабарларини келтирди.

РАТА-ТАСС тарқатган хабарларга қараганда, Фаластин раҳбари Ёсир Арафот Исроил авиацияси ҳужумидан сўнг Фаластин мухториятида фавқулодда ҳолат жорий қилган. У мухториятнинг саккиз вазири иштирокида «фавқулодда маҳкама» тузиш тўғрисида ҳам фармон берган.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

● Муносабат

ҚОНУНБУЗАР КИМ?

Маҳаллами ёки "Хюман Райтс Вотч" вакили?

Ҳуқуқбузарлик ҳолатларини таҳлил қилганингизда, бир ҳақиқатни англаб етиш қийин бўлмайди: яъни қонунбузар қонунни билмаган ва билганда ҳам шу қонун асосида яшаётган жамиятга нисбатан нохолис муносабатли ёки ўз шахсий манфаатини қонундан устун қўйган шахс бўлиб чиқади. Ўзини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилот деб атаб келувчи "Хюман Райтс Вотч"нинг Ўзбекистондаги вакиллиги фаолиятида, хусусан, унинг маҳаллалар ҳаётига оид "тадқиқот"ларида ҳам мазкур ҳолатларни сезиш мумкин.

Яқинда, аниқроғи 22 сентябрда Тошкент даги "Crand Mir" меҳмонхонасида ушбу ташкилот матбуот-анжумани ўтказди. Тадбир ушбу ташкилот томонидан чиқарилган "Ўзбекистон-хонадондан хонадонга: маҳалла комитетларининг (улар ўз ҳужжатларида фуқаролар йиғинини комитет деб атайдилар. — Ч.Л.) қонунбузарликлари" деб номланган бюллетень тақдимотига бағишланди.

Бюллетенда қайд этилишича, мамлакатимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланган маҳалла ҳукуматнинг "кўз-қулоғи", давлатнинг репрессия сиёсатини амалга оширувчи асосий орган эмиш. Маҳалла комитети гўёки аҳолига диний эътиқоди учун тазйиқ ўтказиш, аҳолининг оилавий ишларига аралашиб халақит бериш, хотин-қизлар ҳуқуқларини бузиш, кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ажратилган моддий ёрдамни тақсимлаш билан шуғулланармиш.

Ана холос! Ана қонунбузарлигу, ана билмаган ишга бош суқиб, оммани чалғитиш! Матбуот анжуманини бошқарган "Уруш ва тинчлик масалаларини ёритиш Институти" ваколатхонаси ходими Галима Бухарбоева "Хюман Райтс Вотч" ташкилоти вакили Матильда Богнергa сўз берди. У ўз сўзида бюллетенда қайд этилган гапларни тўтиқушдек такрорлаб, улардан келиб чиқадиган хулосани ҳам баён қилди. Хусусан, халқаро ташкилотларнинг маҳалла комитетларини моддий ва маънавий житҳатдан қўллаб-қувватлашини тўхтатиш, маҳалла ваколатларини қисқартириш керак, деган гапни айтди.

Қаранг-а, маҳалланинг, Ўзбекистон аҳолисининг "Хюман Райтс Вотч" ва унинг вакили Матильда Богнердек "ғамхўр"лари бор экану, биз шу пайтгача билмай юрган эканмиз. (Бу аслида ғамхўрлик ниқобидаги душманлик эмасми?)

Кўрганни кўрмаган, билганни билмаган қандай енгишини, аниқроғи, енгиш учун қандай чиранишни Матильда Богнердан сўраш керакка ўхшайди. Йўқса, шу заминда яшаб, авлод-аждоди минг йиллар давомида маҳалладек яшаш тарзини, тушунчани юзага келтирган халқ эмас, шу ҳақда илмий ишлар қилган олиму мутахассислар эмас, маҳалла идораси эшигидаги "фуқаролар йиғини" деган лавҳани кўрмаган, ёки кўриб фаҳми етмагани боис ҳар жойда "маҳалла комитети" деб юрган Галима Бухарбоеваю Матильда Богнерлар 84 саҳифалик яъни тахминан 4-5 босма табоқ ҳажмда маҳалла таҳлилини ёзиб, сарлавҳасини "Ўзбекистон — хонадондан хонадонга: маҳалла комитетларининг қонунбузарликлари" деб қўярмиди? Шу тадбирнинг ўзидаёқ савол туғилди: бюллетень маълумотлари қайси манба асосида тўпланган? Жавоб мавҳум гаплардан иборат бўлди. Бюллетенда эътироф этилган, яъни гўёки маҳалла томонидан тазйиққа учраган, "Хюман Райтс Вотч" вакили томонидан ачиниш билан тилга олинган, ундан нажот кутган фуқаролар кимлар денг? Асосан қўплаб мамлакатлар томонидан экстремистик ташкилот сифатида тан олиниб, фаолияти таъқиқлаб қўйилган "Ҳизбут-таҳрир" ва жиҳод даъво қилувчи ноқонуний ташкилотлар аъзолари ёки уларга хизмат қилганлар.

Г.Бухарбоева ва М.Богнер маҳаллани қай даражада билади? Ҳеч қандай даражада. Уларнинг маҳалла ҳақида ҳеч қандай тасаввури йўқ. Буни улар томондан тайёрланган бюллетень билан танишган ва маҳалла фаолиятидан билан озгина бўлса-да таниш бўлган инсон дарров фаҳмлайди. Шунингдек, буни ўқиган ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини раиси, котиби, посбони, фаоли бюллетенда ўзларига ўзи билмаган вазифалар эътироф этилганидан лол ва ҳайрон қолиши табиий. Тўғриғи, бу ўринда қайд этилган "... давлатнинг шахсларни ва оилаларни шубҳа остида репрессия қилишида асосий бажарувчи", "...аҳоли бўйича шахсий маълумотлар..." тўпловчи, "...шахс дахлсизлиги ҳуқуқи, оила ва уйга бўлган ҳуқуқларини бузган ҳолда..." ҳужжатларни йиғиб милиция ва ижроия органига топширувчи, ".... динга ҳаддан ташқари берилиб кетганларни..." рўйхатга олиб, бошқа қузатиш ва ҳисобот ишларини бажарувчи, "... художўй мусулмонларни таҳқир"лаб, "...уларга таҳдид ва ёвузлик қилувчи ...", "... мусулмонларга норасмий, қонундан ташқари жазолар..." берувчи, "... қаттиқ қалтакланган аёллар"нинг ажрашиш ҳақидаги арзларини рад этиб, яна эрларининг олдига қайта жўнатиб, зўравонликка учраганда ажрашишда ёрдам бериш каби алмойи-жалмойи таклифлар ўртага ташланган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Негаки, бу ўринда мақсад бошқа: "тузатиш" ниқобидаги бузишга эришиш.

Бюллетень тайёрловчилари манба сифатида асосан учта маҳалладамутахассислари ва яна 20 нафар аёл билан ўтказилган суҳбатни пеш қиладилар. Наҳотки, бутун бир мамлакатнинг ҳаёт тарзига айланган жамият йўналишини бадном қилиш учун бир нечта суҳбат асос бўла олса?! Буни ўзбекчиликда "кўчанинг гапи" дейилади. Аслида бундай хулоса чиқариш учун ўн йиллаб шу жамият ичида яшаш ҳам камлик қилади. Хоним ҳақиқий манбаларга эса эътибор бермайди. Шу боисдан қонун, ҳужжатларнинг номини бемалол хато ёзаверади.

Матильда Богнер ўз "қоралови"ни (уни ўқиб чиқиб шундай хулосага келасиз) "Ўзбекистон — хонадондан хонадонга: маҳалла комитетларининг қонунбузарликлари" деб атабди. Хўш, қонунни ким бузаяпти? Билиб-билмасдан бутун бир мамлакат, жамият, унинг халқи шаънини камситиш қонунни бузиш эмасми? Бу халқаро қонунларда қайд этилганини М.Богнер билмайдими? Унинг мақсадини бюллетендаги "Ташаккурнома"дан ҳам билса бўлади. У шундай якунланади: "Хюман Райтс Вотч Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари фаолларига, уларнинг доимий қийин вазиятлар остида кўрсатган бебаҳо ёрдамлари учун ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этади. Ва ниҳоят, ушбу ҳисобот учун биз билан суҳбатлашган жабрланувчиларга ва уларнинг оилаларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Хюман Райтс Вотч
Европа ва Маркази Осиё бўлими".

Буни шундай изоҳлаш мумкин: «Биз мақсадга, яъни юртингизни, ўзингизни қоралашга эришдик, бунинг учун берган "бебаҳо" ёрдамингиз учун раҳмат, энди хайр, билганингизни қилинг, яъни биздан бўлгани шу. Биз сизга бошқа ёрдам кўрсата олмаймиз».

Сиз эса, азиз, фуқаро, дардингизни айтадиган ҳукумат, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий органлар туриб кимларга бекорга дард айтиб ўтирганингизни энди англагандирсиз?!

Чори ЛАТИПОВ.

(«Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарининг 1 октябрь сонидан олинди.)

Тошкент вилояти Ғазалкент шаҳрида қад ростлаган Маҳалла маркази шаҳарликлар учун Обод маҳалла йилидан яхши эсдалик бўлди.

В.Портнов олган сурат.

● Ифтихор туйғуси

КАМАРБАСТАЛИК

Шахс муаммоси, унинг жамиятда тутган ўрни масаласи инсоният тарихидаги энг долзарб вазифалардан бўлиб келган ва ҳамон шундай бўлиб қолмоқда. Зеро, жамиятнинг жамият бўлишида, унинг онгли суратда уюшиб, улуғ мақсадлар сари далил қадам ташлашида шахснинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Бу ҳақда қанчадан қанча фикрлар илгари сурилган.

Ҳа, ўз халқига камарбасталик бугун барчамиздан талаб этиладиган оддий ва барчамиз бажаришимиз лозим бўлган шарафли бурч. Бу ҳақда ўйлар эканман, вилоятимизда кейинги икки йил ичида қилинган том маънодаги бунёдкорлик ишлари беихтиёр кўз ўнгимда бутун салоҳияти билан намоён бўлади: ҳамма - хоҳ, у оддий фуқаро, соқоли кўксини безаб турган нуроний, хоҳ талаба ёки раҳбар бўлсин, фикран ва қалбан ҳаракатда, юртни янада обод ва ораста қилиш, инсон зотининг азалий буюклиги меҳнат туфайли эканлигини яна бир бор исботлаш пайида.

Сир эмас, мустақилликка эришгач, биз ғафлат уйқусидан уйғонган киши ҳолатига тушдик. Ғафлат уйқусидан уйғониш ўз-ўзидан, осонгина кечадиган жараён эмас. Бунинг учун ҳар биримизнинг қалбимиз ва фикримиз, биздаги Ватан туйғуси ҳам уйғоқ бўлиши, тарихий-маънавий қадриятлардан, Истиқлол берган кенгликлару имкониятлардан ифтихор туйғусини ҳис эта билмоғимиз, уларни энг аввало, ёшлар шуурига сингдира билмоғимиз, шу заҳматкаш юртга садоқат билан хизмат қилиш фарзандлик бурчи, олий бахт эканлигини теран англамоғимиз, тартиботни кенг жорий эта билмоғимиз лозим.

Яна бир жиҳат. Қадрият маҳалла ободлигида тарбиявий куч касб этади. Самарқанд вилоятида бу соҳадаги ишлар икки йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчидан, барча маҳаллаларда соғлом авлод камол топишининг зарур шарт-шароитларини яратиш мақсадида тозалик-озодаликка эътибор кучайди. Иккинчидан эса, тарбиявий-ташкилий ишлар, спорт тўгараклари, фахрийлар чойхонаси кабилар мунтазам ишлай бошлади.

Хуллас, Самарқанд вилоятида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари замирида Ватан туйғуси, халқ манфаати, Президентимизнинг омилкорлик ишларига ҳамоҳанглик ётади. Замондошларимизда сафарбарлик ва ижодий тафаккур ҳисси уйғонди, меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди, Ватан туйғуси, миллий ғоя - мақсад қон-қонимизга сингиб бормоқда.

Бинобарин, мустақиллик даври олтин китобига зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак бугунги кунимиз буюк эъзозга муносибдир.

Ибодулла МИРЗАЕВ,
Самарқанд Давлат университети профессори.

● Оқсоқол қандай бўлиши керак?. Ушбу йил сўнггида юртимизда фуқаролар йиғинларида сайловлари бўлиб ўтади

Ҳадемай фаолиятдаги фуқаролар йиғини раисларининг ваколатлари тугайди. Шу муносабат билан сайлов ўтказилиб, бу лавозимга энг муносиб номзодлар сайланиши керак бўлади. Шундай экан, келинг, яхшиси, бу борадаги фикр-мулоҳазаларимиз, истак, таклифларимиз, эътирофу эътирозларимизни бақамти ўртага ташлайлик. Зотан, халқимизда кенгашли тўй тарқамас, деган ҳикмат бор.

СИЗ САЙЛАГАН РАИС...

у жамиятда ижтимоий шахс сифатидаги ўз мавқеини қай даражада ушлаб турибди

Жамиятни демократиялаштиришнинг муҳим шаклларидан бири шуки, янги қабул қилиниши лозим бўлган кўплаб қонун лойиҳалари, Конституциямизга киритиладиган ўзгартишлар аввало маҳалла аҳли ва фаоллари томонидан муҳокама қилинаётир ва қўллаб-қувватланаётир. Бинобарин, сиёсий қарорлар қабул қилинишида маҳаллалар жамоатчилик иштирокини кенг жалб этишнинг муҳим воситаси сифатида майдонга чиқмоқда. Шунингдек, у умумий назоратни амалга оширмоқда. Бу билан маҳалла маъмурий вазифаларни бажарар экан, деган хулоса чиқармаслик керак, балки у ўзини ўзи бошқариш масалаларида аҳолининг иштирокини оширишга кўмаклашадиган ташкилотдир. Мустақиллик йилларида эса, аввалари фақат давлат органлари бажарадиган ижтимоий вазифалар ҳам маҳалла фуқаролар йиғинига топширилди. Айни пайтга келиб эса ҳар бир оила, шу ҳудудда яшаётган ҳар бир фуқаро ўз яшаш тарзини, тақдирини маҳалласиз тасаввур эта олмайди.

Юқоридагилардан жуда яхши англашиляптики, демак, унинг раислигига сайланажак фуқаро ҳар томонлама етук, билим-савияси, дунёқараши кенг, қонунларни билувчи ва унга қатъий амал этувчи, фидойи, ташаббускор шахс бўлиши лозим. Хўш, айни пайтда худди шундай меъзонлар, талабларга жавоб берувчи йиғин раҳбарлари кам дейсизми? Ҳатто кўп, лекин улар сафини сифат жиҳатидан кенгайтириш, фойдали тажрибаларини кенг ёйиб, кўпчилик мулкига айлантириш муҳим ҳаётий масаладир.

Ўрни келганда юқоридаги фикримизни асослайдиган айрим далилларни келтирсак. Наманган шаҳридаги Гулбоғ маҳалласи фуқаролар йиғинини Минаввархон Дадахонова бошқаради. Бу ерда тўю маъракаларни ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ишлаб чиққан тавсиялар ҳамда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Фатвосини ҳаётга татбиқ этиш бўйича айниқса, ибратли ишлар амалга оширилаётир.

— Маҳалламиз фуғароси М.Ғаффоров хонадонида бўлиб ўтган никоҳ тўйи сарф-харажатини биргаликда ҳисоблаб чиқсак, аввалги тўйга нисбатан 160 минг сўм кам маблағ ишлатилибди,— дейди М.Дадахонова.— Унинг меҳр-оқибатлилигини қарангки, тежаб қолинган маблағ ҳисобидан у кам таъминланган бир оила фарзандининг суннат тўйини ўтказиб берди. Таъзия билан боғлиқ маъракаларда етти, йигирма, қирқ, йил ва бошқа маросимлар барҳам топган. Айрим йўқловларда эса, марҳумнинг фақат қариндошуруғлари қатнашяпти, холос. Фотиҳагарчиликларда дастурхон ёзилмаётгани ҳам бошига ташвиш тушганларга моддий мадор бўляпти. Бизнинг тавсиямизга кўра ўзига тўқ кишилар эҳсон қилишиб, унда кам таъминланган оилалар фарзандларига ош-нон тортилмоқда.

Давлатобод туманидаги Тўқувчи маҳалласида эса, спортни ривожлантиришга катта эътибор билан қаралмоқда. Йиғин раисаси Моҳинисо Исматованинг таъкидлашича, ҳудудда жойлашган спорт коллежи талабаси С.Сирдцев оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони унвонига эга. Гимнастикачи К.Кремлёва эса, Сиднейдаги олимпиадада мамлакатимиз терма жамоаси таркибида майдонга тушган. Жорий йилда Урганчда ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида мазкур маҳалладан 21 нафар ўғил-қиз қатнашиб, улардан 5 нафари медал олишга сазовор бўлган.

Баъзи оқсоқоллар билан мулоқотда бўлганимизда улар маҳалла ҳисоб рақамида маблағ йўқлигидан нолиб гапиришади. Қаранг-а, биров гул деса, биров пул дейди. Гулга эга бўлиш учун ҳам меҳнат қилиш керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди-ку, ахир.

Ҳалқимизда кўп билганга эргашма, кўп кўрганга эргаш, деган нақл бор. Бунга Сариосиё туманидаги Барлос маҳалласи оқсоқоли Раҳим Курбоновнинг тубандаги сўзлари мисол бўла олади:

- «Дашнабод» ширкат хўжалигидан туман ҳокими қарори билан маҳаллаларга бир гектардан ер ажратиб берилган. Экилган экин даромади ўзимизники. Тегирмонимиз бор. Кам таъминланган оилаларга навбати билан ўз ҳисобимиздан 50 килодан ун тарқатамиз. Қолгани маҳалла тадбирларига ишлатилади.

Ёки бўлмаса, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Янги Камолон маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятига назар солайлик. Тантаналар ўтказиладиган катта зал ярқиллайди. Унинг ёнида тандирхона, ошхона, чойхона. Ҳовлида ёзги тантаналар ўтказиладиган жой. Унинг атрофи ишкомлар, мевали дарахтлар билан ўралганидан тангадек офтоб тушмайди. Булар учун маҳалла ҳисобидан 0,5 миллион сўм сарфланибди. Бундан ҳам ҳайратланиб, ҳам ҳавасланиб оқсоқолдан сўраймиз:

- Аксарият маҳаллаларда оқсоқоллар «Ҳисобимизда бир сўм ҳам пулимиз йўқ» дейишади. Янги Камолонда катта қурилиш ишлари амалга оширилишига қарамай, бирон марта маблағ етишмаслиги ҳақида гап-сўз эшитмадик.

- Бу гап тўғри, - деди оқсоқол Қаҳҳор ота Содиқов, - «Кўп бўлса кетади, кам бўлса етади» деган мақол бор. Унинг маъноси қанчалик бадавлат бўлсанг ҳам тежамкор бўл, дегани. Биз ҳудудимизда ишлаб чиқариш шохобчаларини барпо этиш масаласи билан чуқурроқ шуғулланамиз. Бу, биринчидан, фуқароларни янги иш ўринлари билан таъминлаш имконини берса, иккинчидан, ҳисоб рақамимизга пул тушади. Уни кам даромадли оилалар ижтимоий ҳимоясига ишлатамиз ва ҳоказо. Баъзи ҳолларда ҳомий ташкилотлар кўмагидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Масалан, Тошкент полиграфия комбинати ҳимматига суяниб, болалар спорт мажмуини барпо этдик. Унда спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, югуриш турлари билан шуғулланиш мумкин. Футбол майдончасига яқинда чим ётқизилди.

Ана шундай фахр-ифтихор туйғуси ила номини эсга олмоққа лойиқ оқсоқолларимиз сероб. Нима учун айрим маҳалла раислари улардан ибрат олишга ошиқмайди? Нима учун қайишганга қайишмайдилар, тўғри йўл кўрсатганга қўл узатмайдилар? Агар шундай кимсалар қандай қилиб оқсоқоллик курсисини эгаллагани билан қизиқиб кўрсангиз, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, улар «ёз-ёз» билан, фисқу фасод, қинғир йўллар, таниш-билишчилик билан йиғин раислиги «мансаби»га эришган маънавий қашшоқ кишилар бўлиб чиқадилар. Маънан саёз оқсоқол эса, китоб варақлашни ёқтирмайди, вақтли матбуот нашрларини ўқимаслигини қўя турайлик, ҳатто у доимий маслаҳатгўйи «Mahalla» газетасига обуна бўлишни ҳам ўзига эп кўрмайди. Шундай пайтлар бўладики, унинг маҳалласи ҳақида муаммоли масала кўтарилса ёки танқидий мақола босилиб чиққан бўлса газета излаб қоладди. Киоскадан тополмагач, уятни ҳам йиғиштириб қўйиб, таҳририятимизга келиб ўша сонни топиб беришликни талаб қилади. Бундай ҳолга на кулишни ва на куйишни биласиз.

Газетанинг 11 июн сонида босилган «Кўзбўямачилар» сарлавҳали мақолада давлат томонидан берилган нафақалар баъзи ҳолларда ўз эгаларига етиб бормай, ғайриқонуний йўллар билан айрим кимсалар чўнтагига тушаётгани ва бундай ишлар тепасида маҳалла йиғини раҳбари ёки тегишли комиссия аъзолари турганлиги танқид остига олинган эди. Жумладан, Оқдарё туманидаги Ойтамғали, Пайариқ туманидаги Фаровон, Шўртепа, Эрназарқўрғон, Хоса маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ҳам нафақа тўловлари ҳужжатларига кўзни чирт юмиб имзо чекиб юбораверишган. Чунки бу нафақалар давлат ҳисобидан тўланади-да. Агар ўз ҳамёнларидан бўлганда эди, аниқ айтиш мумкин, - бундай «сахийлик»ка зинҳор-базинҳор йўл қўйишмасди. Масъулият ва масъулиятсизликнинг фарқига боролмайдиган бундай оқсоқоллар қандай виждон билан маҳаллага оталикни, раҳнамоликни даъво қилишлари мумкин?! Агар таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки оқсоқоллик - эл хизматидаги нозик ва масъулиятли вазифа, унга фақат эл ишончини қозонган кишигина муносиб кўрилиши керак.

Ёки газетамизнинг 6 август сонидаги «Ўз қилмишларига боқмай ноғора қоққан оқсоқол» сарлавҳали мақолани олайлик. Унда Муборак туманидаги Ёшлик маҳалласи оқсоқоли такрор ва такрор жиноий жавобгарликка тортилган бўлса-да, йиғин раиси вазифасида ишлаб келавергани танқид қилинади. Хўш, бундай киши қандай қилиб оқсоқолликка лойиқ бўлсин?! Ўзи қонунни бузиб турса-ю, бошқалардан унга риоя этишликни қандай талаб этсин?!

Гапираман, десангиз гап кўп. Лекин бир ният билдирмоқчимиз. У ҳам бўлса кимнинг номзодини оқсоқолликка кўрсатиш фақат маҳалла фуқаролари, яъни сизу бизга боғлиқ. Бинобарин, демократик жамият қуришга киришган республикамиз қонунлари ҳар биримиздан ўз ҳақ-ҳуқуқларимиздан тўла фойдаланишимизни талаб этади. Қолаверса, оқни оқ, қорани қора дейиш, ҳар иккисига ўзимизнинг виждоний муносабатимизни билдириш инсоний бурчимиздир.

● Каттами, кичикми яхшилик — яхши!

ҲЕЧ КИМ УЙСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Яъни маҳалла аҳли бунга йўл қўймайди.

Яхшилик ўз номи билан — яхшиликдир. Уни миқдор билан ўлчаб, чамалаб бўлмайди. Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди, деган иборани доноларимиз бежизга айтмаганлар. Шундай бўлсада, Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги Қорахитой қишлоқ фуқаролар йиғинидаги бир тадбирни яхшилик, меҳр-оқибатнинг катта намунаси деб аташ ўринлидир. Гап шундаки, қишлоқ йиғини таркибидаги Унгут маҳалласи фуқароси Нишон Маҳмудовнинг оиласи бошпанасиз қолганди. У иккинчи гуруҳ ногирони бўлгани сабабли қурилишга қурби келмай юрарди. Яқинда Нишон аканинг оиласи Оҳангарон ширкат хўжалиги раҳбари Шунқор Умурзоқов, Қорахитой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шавкат Мўминов бош-қошлигида маҳалладошлари томонидан уюштирилган ҳашарда қурилган икки хонали хонадонга кўчиб кирди. Қурилишга сарфланган 800 минг сўм маблағни Оҳангарон ширкат хўжалиги ҳисобидан ажратилди. Бундан ташқари маҳалладошлар оилага рўзғор анжомларини сотиб олишлари учун ҳам 40 минг сўм маблағни йиғиб беришди.

Айни кунларда Маҳмудовлар оиласида ҳовли тўйи ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бу тантананинг унутлик маҳалладошлар учун ҳам катта шодиёна айланиши турган гап.

С.ОРИПОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Оҳангарон тумани бўлинмаси раиси.

Бундан йигирма олти йил олдин асрий сахрони ўзлаштириб, қўриқ ерлар ҳисобига ташкил топган Элликқалъада мустақиллик йилларида юксалиш ва ривожланиш даври бошланди. Бу ҳақда туман ҳокими Неъматулла ХУДОЙБЕРГАНОВ қуйидагича ҳикоя қилади:

ЭЛЛИККҚАЛЪАДА ЭЛ ОБОД

Н.ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Элликқалъа тумани ҳокими,
Олий Мажлис депутати.

Элликқалъада мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани каби ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Туманимизда 7 та ширкат, 5 та фермер хўжаликлари уюшмалари иш юритмоқда. Фермер хўжаликлари сони 583 тага етди. Айниқса, туманимизда Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Унга биноан 5 йил давомида кредит ажратилади. Ҳозир 6 та лойиҳага маблағ ажратилди. Бу маблағ техника, ускуналар ва технологияларни сотиб олишга йўналтирилмоқда. Хўжаликларга лизинг асосида техникалар етказиб берилмоқда.

Туманда қўшма корхоналар ишга туширилиши ишсизликнинг олдини олиш ва "Элликқалъа" тамғаси билан тайёр товарларни хорижга экспорт қилишга кенг йўл очиб берди. Жумладан асосий қўшма корхоналарда қўшимча 2100 та янги иш ўринлари барпо этилди. Мазкур корхоналарни кенгайтириш, хорижлик ҳамкорлар иштирокида қайта жиҳозлаш давом этмоқда. Бу ишлар тугагач, мазкур корхоналарда ишловчилар сони 4 минг нафарга етади. Шунингдек, кейинги йилларда таркиб топган қўшма корхоналарда ҳам 150 га яқин киши иш билан банд. Умуман, яқин келажакда қўшма корхоналарда хорижга экспорт қилинадиган товарлар ҳажми йилига 5 миллион АҚШ долларига тенг бўлади. Туманда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Натижада уларнинг сони ўтган йилга нисбатан бир ярим марта кўпайиб - 933 тага етди.

Обод маҳалла йили дастурига асосан маҳаллаларарo йўлларнинг текис, равон бўлишига эътибор қаратилиб, 3,3 километрлик йўл асфальтланди, 40 километр узунликдаги йўллар ўрта таъмирдан чиқарилди.

6 та қишлоқ врачлик, 19 та маҳалла врачлик пунктлари иш бошлади. Шошилинч тиббий ёрдам марказининг Бўстон шаҳридаги филиали ишга тушди. Хорижий грантлар кўмагида жаҳон андозаларига жавоб берадиган гинекология бўлими, лаборатория фойдаланишга топширилди, "Чегара билмас врачлар" ташаббуси билан эса 50 ўринли сил касалликлари бўлими қайта таъмирланди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш юзасидан мунтазам равишда самарали тадбирлар ўтказилмоқда. Нафақалар, ёрдам пуллари ўз вақтида бериб борилаяпти.

- Таълим-тарбия ва болалар спортини ривожлантириш хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Бу борадаги ишлар "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрларни тайёрлаш" миллий дастури доирасида олиб борилмоқда. Айни пайтда академик лицей, 4 та қишлоқ касб-ҳунар, тиббиёт, ижтимоий-иқтисодий коллежларда, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Бизнес мактабида салкам 2.300 нафар ёшлар ўқимоқда. Умумтаълим мактабларида эса 30 минг ўғил-қизларнинг замон талабларига мос равишда ўқишлари учун етарли шароитлар яратилган. Тиббиёт коллежи ундаги таъмирлаш ишлари битгач қулайликларга эга бўлган ҳашаматли бинога айланди. Овулларда мактаблар қурилишида ҳашар йўлидан унумли фойдаланиб, ўтган йили 200 ўринли 2 та мактаб қурилган бўлса, айни пайтда умумхалқ ҳашари билан 1,5 минг ўринли олтита умумтаълим мактаблари бунёд этилаяпти. "Қирққизобод" ширкат хўжалиги ҳудудидаги йирик мактаб хориж гранти асосида таъмирланмоқда. Мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Йилнинг ўтган даврида 9 та болалар боғчалари ишга тушиб, жажжи ўғил-қизларни ўз бағрига олгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Шунингдек, Бўстон шаҳрида ёшлар хиёбони барпо этилгани, мамлакатимизда биринчи бўлиб "Устозга таъзим" мажмуи ва улуғвор ҳайкал бунёд этилгани ҳам кўнгилларга хушнудлик бағишлайди. Болалар спортини ривожлантириш ишига биринчи даражали юмуш сифатида, барча жойда масъулият билан ёндашилди. Амиробод овул фуқаролар йиғини ҳудудида ҳавас қилса арзигулик болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилиб, ёшларнинг севимли масканига айланди. Бундай мажмуалар Сарибий, Қирққизобод, Тоза Амиробод, Боғёп, Ал-Хоразмий номидаги овулларда ҳам жадал сураётларда қурилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида 3 та спорт зали, 10 та футбол, 20 та волейбол, 9 та баскетбол, 7 та мини футбол, 3 та қўл тўпи майдончалари таъмирланди, 7 та теннис корти қурилди, 34 та янги спорт секциялари иш бошлади.

Маънавиятни юксалтириш, истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли ишлар олиб борилмоқда. Атоқли ёзувчилар билан қизиқарли учрашувлар бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов раҳбарлигида бир гуруҳ шоирлар иштирокида "Шеъриятнинг байрами"ни ўтказиш анъанага айланди. Ҳар икки йилда машҳур хонанда Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб, "Нафосат - бўстоним маним" шиори остида ёшлар фестивали, қўшиқчилар, бахшилар кўрик-танлови юқори савияда ўтмоқда.

- "Обод маҳалла йили" дастурининг ҳаётга татбиқ қилинишида ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки тўғрисида тўхталсангиз.

- Юқоридаги вазифаларнинг талаб даражасида адо этилишида, шубҳасиз Бўстон шаҳридаги маҳаллалар, ўн битта овул фуқаролар йиғинларининг роли ғоят каттадир. Айниқса, улар ўз ҳудудларида ёшлар тарбияси, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, болалар спортини юксалтириш, янги урф-одатларни турмушга тадбиқ қилиш борасида, авлод-аждодларимизнинг бой анъаналарини кўз қорачиғидек сақлаш борасида ҳам жонбозлик кўрсатаётир. Бундай кенг кўламдаги зарур юмушларни бажаришда кенг омма вакиллари, айниқса кўпни кўрган қариялар фаол иштирок этишмоқда. Жойлардаги "Энг обод маҳалла", "Обод маҳалла ёшлари" кўрик-танловлари ҳам юқори савияда ўтказилиб, аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Қорақалпоғистон миқёсида ўтказилган кўрик-танлов якунларига кўра Амиробод овул фуқаролар йиғини ғолиб бўлди ва муносиб тарзда мукофотланди.

Обод маҳалла йилининг ҳам 9 ойи ўтди. Кувонарлиси шундаки, мазкур йилда олдга қўйилган вазифалар изчил бажо келтирилди. Шундай йўналишдаги юмушларни бундан кейин ҳам ҳаётга тадбиқ қилиб кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун курашни изчил давом эттириш ҳар бир фуқаронинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади. Зеро Ватан остонадан бошланганидек, ҳар бир маҳалланинг ободлигига эришиш - келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида мустаҳкам замин яратиши шак-шубҳасиздир. Шундай экан, ўз уйимизни, маҳалламизни янада кўркам, обод, бахтиёр инсонлар яшайдиган ғўзал масканга айлантириш барча-барчанинг виждоний бурчидир.

Суҳбатдош: Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

БЎШ КЕЛМАНГ, ҚИЗЛАР!

*** Ҳунармандлар кўпаймоқда**
*** Каратэчи қизлар довруғи**
*** "Дилноза"нинг дорилари бепул**
*** Нарпай спортчилари**

Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири тадбиркорликни кучайтириш, янги иш ўринларини барпо этишдир. Бунинг учун эса ёшларни ўқитиш ва уларга касб-ҳунар ўргатиш керак бўлади.

Халқимизда "Ҳунар зар - ҳунарсиз хор" деган мақол Навоий туманининг Азамат маҳалла йиғини фуқаролари шу мақолга амал қилишади. Уни том маънода ҳунармандлар маҳалласи дейиш мумкин. Бу ерда 100 дан ортиқ тадбиркор бешик, сандиқ ясашади. 2 та бичиш-тикиш цехида 18 нафар қиз касб сирларини ўрганиб, фаолият кўрсатишмоқда. Музқаймоқ цехи ҳам ишлаб турибди. Шунингдек, 3 та сартарошхона, 2 та ямоқчилик устахонаси ҳам хизмат кўрсатмоқда. Айниқса С.Шодиев раҳбарлигида маҳаллада ташкил этилган "Азамат қизлари" деб номланган ашула ва рақс дастасининг намунали ишлари бу маҳаллада нафақат тадбиркорлик, балки маданий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Маҳаллага 2000 йилида "Ибратли маҳалла оқсоқоли" кўрик-танлови ғолиби бўлган Облоқул ака Ғаффоров раислик қилади. Оқсоқолнинг алоҳида саъй-ҳаракати туфайли шу йил маҳаллада муддатидан олдин қишлоқ врачлик амбулаторияси ишга туширилди. Қариялар чойхонаси қурилди, Халқ банкининг филиали очилди, маҳалла учун қурилаётган гузар ҳам яқин кунларда ишга тушади.

Янгиариқни эса спортчилар маҳалласи дейишади. Бу ерда тез-тез республика миқёсидаги мусобақалар ҳам ўтказиб турилади. Шу йил июн ойида республика миқёсида Эргаш Худойбердиев хотирасига бағишланган кураш мусобақаси бўлиб ўтди. Маҳалла ёшларидан Руслан маров белбоғли кураш бўйича "Умид ниҳоллари" олимпиадасида фахрли 2-ўринни эгаллади. Айниқса, бу ерда ташкил этилган каратэчи қизлар мактаби алоҳида диққатга сазовордир. Спортчи мураббий Нафиса Саидова раҳбарлигида "Нурхас" каратэ мактаби қошида очилган бу тўгаракда 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган 17 нафар спортчи қиз шуғулланмоқда. Уларнинг сони кундан кунга ортиб бормоқда. Маҳалла ёшларининг спорт билан янада яхшироқ шуғулланишлари учун яна битта та стадион ишга туширилди.

Тумандаги Нарпай қишлоқ фуқаролар йиғини маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Ободончилик соҳасида кўчаларни асфальт қилиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, газлаштириш, телефонлаштириш каби бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, маҳаллаларда кекса авлодга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларга нафақалар биринчи галда берилишидан ташқари - ногиронларга ва бемор қарияларга "Дилноза" хусусий дорихонасидан бепул дори-дармонлар бериш ташкил этилган. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш масаласи алоҳида назоратга олинган. Ҳар бир маҳаллада биттадан замонавий тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилиб ишга туширилган. Йиғин бўйича 655 нафар ёш спортчи тўгаракларига жалб қилинган. Шулардан 125 таси каратэ спорти билан, қолганлари спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишади.

Жорий йилда ҳам нарпайлик спортчилар бир қанча ютуқларга эришдилар. Жумладан, Фарруҳ Маликов Оҳангаронда бўлиб ўтган бокс бўйича республика мусобақасида фахрли I-ўринни эгаллади. Жўрабек Рўзиев эса Бухорода бўлиб ўтган кураш мусобақасида II-ўрин соҳиби бўлди. Кўл жангги бўйича 9-синф ўқувчиси Аъзам Юсупов республика чемпионатида III-ўринни эгаллади. "Қувноқ стартлар" мусобақасида ҳудуддаги Ҳамза номли мактаб ўқувчилари 3-ўрин соҳиби бўлишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳозирги вақтда йиғинда махсус футбол жамоаси тузилган бўлиб, вилоятда олдинги ўринларда бормоқда.

Туманда "маҳалла-оила-мактаб" ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Ушбу асосда ишлаб чиқилган дастур асосида "Сен Конституцияни биласанми?" мавзуида дарслар, "Ватанпарварлик туйғуси", "Маҳалла - мўъжаз Ватан" мавзуларида учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Навоий тумани бўлинмаси раиси.

Олам турфа

ТАЪҚИҚЛОВ

Маълум бўлишича, "Кириш таъқиқланади" ёки "Кириш ман этилади" деган иборалар тош асрида ҳам қўлланган экан.

Олимлар Испаниянинг Пасиега ғоридаги баланд тошда битилган белгиларни (белгилар тош асрига тааллуқли) ўқишга мушарраф бўлишди. Агар у белгиларни ҳозирги замон тилига ўгирадиган бўлсак, "Бу ерга кириш ман этилади" деган маънони англатаркан.

МАНА БУНИ ОМАД ДЕСА БЎЛАДИ

Кипрлик Хараламбос Хрисилиунинг омади бир келганда бароридан келади.

Бир ҳафта ичида давлат лотереясидан 2 марта 35 минг Кипр фунтидан (тахминан 150 минг Америқо доллари) ютуқ чиқди. Ҳисобчиларнинг фикрича, бу жуда ноёб ҳодиса. Чунки бундай тасодиф эҳтимоли 109 миллиард ҳолатдан биттасида юз бериши мумкин.

ЧИПТА НАРХИ ОГИРЛИГИГА ҚАРАБ

Марио Кучер исмли киши Бразилия шарқидаги барча кинотеатрларнинг эгасидир. У ғаройиб янгилик кашф этди.

Энди кинога кириш учун сотиладиган чипталарга томошабиннинг вазнига қараб нарх қўйилади. Худди шу мақсадда кинотеатр кассаси ёнида катта тарозу ўрнатилди. Ҳар бир килограммнинг нархи бир крузейродир. Буни қарангки, бу ихтиро томошабинларни уч ҳисса кўпайтириб юборди. Айниқса, болалар кинога кўп тушмоқда. Аввалари улар битта чиптани 60-80 крузейрога сотиб олган бўлсалар, энди бу нарх улар учун икки марта камайган.

ПЎСТИН КИЙГАН ҚЎЙЛАР

Маринос зотли қўйларнинг момиқ жунлари ўз сифатини йўқотмаслиги учун австралиялик чўпонлар антиқа усулни қўлламоқдалар, яъни қўйларга полиэтилен плёнкали нимча кийдириб қўйишади.

Шу йўл билан чўпонлар қўйларнинг жуни ифлосланмаслигини таъминламоқдалар, бу эса жуннинг қимматини янада оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси

ҲАЗРАТ АЛИНИНГ РУҲИ ШОД

Фарғона вилоятида азиз-авлиёлар номи билан аталувчи зиёратгоҳлар кўп. Шулардан бири Сўх туманидаги Ҳазрат Али зиёратгоҳидир.

Ривоят қилишларича, Ҳазрат Али муридларига мен агар ҳаётдан кўз юмсам жасадимни шундай жойга қўйинглар-ки, у ер тоғ-адирлар ён-бағри бўлсин, куну тун майин шабада эсиб турсин, атрофимда энг ноёб гулу райҳонлар ўссин, пастидан сув шарқираб оқсин. Зиёратга келганлар мусаффо сувда юзқўлларини ювиб, сўнгра аста мен томонга кўтарилсинлар. Менинг руҳим яхши ниятли пок инсонлар билан ҳамиша бирга бўлгай, уларнинг орзу умидларининг рўёбга чиқишига мадад бергай.

Сўхликлар Ҳазрат Алининг бу васиятини бажо келтириш мақсадида жой қидириб, охири уни Сарибозорча маҳалласидан топишган экан. Бу жой Ҳазрат Али орзу қилган барча талабларига жавоб берарди.

Сўх марказидан қиблагоҳга қараб чиқиб борсангиз, тоққа кўтарилиш жойида бир мақбара кўзга ташланади. Бу ўша - Ҳазрат Алининг мақбарасидир. Унинг қачон қурилгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин дастлаб ҳар томонлама эъзозлангани, шўролар даврида айрим калтабин "атеист"лар томонидан бу жой топталгани аниқ. Ўша даврда ҳатто, одамларнинг бу жойга чиқиши ва дам олиши таъқиқлаб қўйилган эди.

Истиқлол шарофати туфайли бу ерга одамлар яна бемалол кела бошладилар. Сарибозорча маҳалласи аҳли бу жойни ободонлаштиришга бел боғлади. Уларга саховатпеша инсон - Баҳриддин Шодиев бош-қош бўлди. Унинг раҳбарлигида аввал Ҳазрат Али мақбараси миллий безакларда қайта тикланди. Атрофи ободонлаштирилди. Пастдан унга кўтарилиб борадиган мустаҳкам йўлаклар, мақбара рўпарасида масжид қурилди. Зиёратгоҳ атрофи деворлар билан ўраб, чойхона барпо этилди. Ўчоқлар қилиниб, сўрилар қўйилди. Ариқлар тартибга келтирилди.

Туман ҳокимлиги Қарияларни қадрлаш йили"да Ҳазрат Али зиёратгоҳини ободонлаштириш ҳақида махсус қарор қабул қилиб, унинг назоратини туман "Маҳалла" жамғармасига топширди. Жамғарманинг туман бўлинмаси Сўх ва Бобокалон қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда уларга қарашли маҳаллалар билан ҳамкорликда бу ерда катта ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Меҳмонхона, савдо дўконлари, қассобхона, новвойхона қурилди. Ҳар бир маҳалла аҳли кучи билан 20 дан ортиқ айвонли сўрилар ясатилди. Уларнинг ҳар бирида 20-30 киши бемалол ўтириб дам олиши мумкин. Сўрилар оралиғига бетон йўлаклар, майдончалар қилинди. Фаввора ишлай бошлади.

Зиёратгоҳ саранжом-саришталиги, санитария-гигиена талабларига жавоб бериши билан алоҳида ажралиб туради. Бу ерга ҳар куни минглаб фуқаролар келиб, дам олиб кетадилар. Дам олувчилар орасида ҳатто, қўшни Қирғизистон ва Тожикистондан келган меҳмонлар ҳам бор. Улар азалий дўстлик анъаналарига амал қилган ҳолда дам олиб кетмоқдалар. Икромжон Шодиев, Олимжон Мўминжонов, Ғанижон Аҳмедов, Алижон Эргашев сингари мутасаддилар зиёратгоҳга келувчиларга қўлларини кўксиларига қўйиб, сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

ГУЗАРИМИЗ БОР, ЛЕКИН...

Тошкент шаҳар марказида жойлашган Яккасарой туманининг Туркистон маҳалласида 27 миллатдан иборат 4 минг аҳоли яшайди. Ҳудудда 23 та кўп қаватли уйлар ва 9 та кўча мавжуд. Маҳалламиз аҳли аҳил, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб, 2003 йилда туман бўйича «экологик энг тоза маҳалла» деб топилди.

Обод маҳалла йили муносабати билан эгасиз қолган ташландиқ жой - Чкалов кўчаси 10-уй ҳовлисини фаоллар розилиги билан маҳалла гузарига айлантирилди. Ўн миллион сўмлик маблағ сарфлаб, ғўзал масканга айлантирилди. Бу ерда турли тантана-ю, юбилейлар, тўй маракалар ўтказиляпти. Гузарда мактабгача ёшдаги болалар учун лотин алифбоси, математика, инглиз, немис тиллари бўйича якшанбалик дарслари ўтказилмоқда. Бундан ташқари ёшлар учун шашка, шахмат, теннис, кикбокс бўйича спорт тўгараклари ишлаб турибди. Маҳалла ҳудудида 72-мактаб билан болаларнинг бўш вақтларини тўлиқ банд қилиш мақсадида қўшма дастур тузганмиз.

Қариялар, уруш қатнашчиларига катта ёрдам кўрсатмоқдамиз. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойида уларга 500000 сўмлик моддий ёрдам берилди. Пенсионерлардан 50 нафар кишини бепул Имом Исмоил Ал-Бухорий зиёратгоҳига олиб бордик.

Маҳалламиз гузари жуда кўп хайрли ишларни ўтказиш марказига айланганидан кўпчилик жуда мамнун. Бироқ юқори ташкилотлар томонидан шундай ғўзал маҳалла гузарини олиб ким ошди савдосига қўйиб сотишмоқчи, ўрнига эса бошқа маҳалла ҳудудидаги ташландиқ жойни таклиф қилишмоқда. Буни қандай тушунмоқ керак? Бинони тиклаган унга эгалик қилиши зарурми, ёки...

Маҳалла аҳли номидан: Туркистон маҳалласи Кунаев кўчаси 6-уйда яшовчи

Равшанбек УМАРОВ.

Муносабат: «ҲУДУДЛАРНИ НОМЛАШ МАЪСУЛИЯТИ» 2003 ЙИЛ 13 АВГУСТ.

«ОЙШАХОНИМ КИМ БЎЛГАН?»

бу саволга шу номдаги кўчада яшовчилар жавоб излашмоқда.

Севимли газетамизнинг 13 август сонида чоп этилган «Ҳудудларни номлаш маъсулияти» номли мақола маҳалламиз аҳлида катта тассурот уйғотди, баҳсларга сабаб бўлди. Гап шундаки, маҳалламиздаги кўчалардан бири Ойшахоним деб аталади. Бу ном тахминан ўттиз йил илгари қўйилган. Мана шу кўчада истиқомат қилувчи фуқароларимиз юқоридаги мақолада таъсирланиб, «Ойшахоним» деганлари ким бўлиб ўтган, нима учун кўчамизга унинг номи берилганини билмасак. Ўзимиз яшайдиган манзил номида мантиқ, маъно бўлишини истаймиз», дея кўчани қайта номлаш ҳақидаги таклиф билан йиғин кенгашига мурожаат қилдилар. Йиғин ўз навбатида бу масала билан шуғулланувчи тегишли идораларга мурожаат йўллади. Айни кунда мурожаатимизни беэътибор қолдирмасликларига умид қилиб турибмиз.

Х.АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Й.Охунбобоев номли маҳалла оқсоқоли.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ойшахоним номли кўчада истиқомат қилувчи фуқароларнинг ўз кўчаларининг қандай ном билан аталишини билишга қизиқишлари албатта ўринли. Лекин бизнингча, кўча номини ўзгартиришдан аввал «Ойшахоним» деган шахснинг аслида кимлигини аниқлаш лозим. Балки бу инсон маҳалла тарихида яхши ишлари билан ўчмас из қолдиргандир. Ҳар ҳолда бу борада маҳалла кексалари, қолаверса олимларимизга мурожаат қилиш ўринлидир.

ПАХТАМИЗ ҲАМ - МУҚАДДАС НЕЪМАТ

Меҳнатсевар пахтакорлар томонидан етиштирилган ғўзаларимиз қийғос очилди. Юртимизда пахта йиғим-терими бошланди. «Оқ олтин» деб таърифланган бойлигимиз бепоён далаларни тўлдирди.

Шу кунларда Оққўрғон туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли деҳқон-ширкат хўжалигида пахта терими авжига чиққан. Улар мавжуд майдоннинг ҳапр гектаридан 40 центнердан ҳосил олишни режа қилишган.

Суратда (чапдан ўнгга) ширкат боғи ҳосилоти Донийр Жўманов, теримчилардан Сабоҳат Ҳожиева, Гулчеҳра Нурматова, Майда Отахонова ва пудратчи Ҳамид Қаршибоевлар.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

● Эл дарди деб изланган имкон топар

ТАНСИҲАТЛИККА – «ОРОЛ-ТАБИБ» ОРҚАЛИ

Мустақиллик барча тадбиркорлар қатори шифокор Нурбека Шерниёзовалар оиласига ҳам инсон саломатлигини муҳофаза қилишда даволашнинг қатор янгича услубларини яратишга ҳам имкон яратди. Шунингдек, тиббиёт техникаси ихтиролари, фойдали моделлари ижобий самара бераётганига қарамай аввало, соҳа мутахассисларининг, илмий изланишга қизиқувчи ёшларнинг, ҳатто сармоядорларнинг - ҳомийларнинг қўллаб-қувватлашларига муҳтож бўлаётганлиги ушбу суҳбатимизга мавзу бўлди.

«Орол-табиб» хусусий шифохонасининг бош даволовчиси Нурбека Шерниёзовага саволимиз қуйидагича бўлди:

- Нурбека опа, аввало беморларни, қолаверса, барча мижозларни муолажаларнинг ижобий натижаси қизиқтиради. Беморларингиз дарддан форғ бўлишяптими?

- Даволаш услубимиз самараси ўлароқ, болалардаги туғма шол касаллиги, инсультдан сўнгги фалажлик, остеохондроз оқибатида оёқ-қўлларнинг яхши ишламаслиги, шунингдек, шамоллашдан оғир хасталанган беморлар қутилган даражада шифо топмоқдалар.

Яна бир касалдик - дерматоз, тери касалликларни даволашда ҳам ижобий натижаларга эришяпмиз. Ҳар икки йўналишда ҳам ўзимизнинг муайян даволаш услубимиз бор.

- Агар сир бўлмаса, даволашдаги ютуқларнинг боисини, сабабларини айта оласизми?

- Албатта. Аввало, даволаш услубимизнинг ҳуқуқий кафолатига эгамиз. Қолаверса, техник моделларимиздагина эмас, шифо бахш этувчи муолажаларимизда ҳам ўзимиз ижод қилган янгиликнинг қувончли самараларини билибкўриб турамиз.



Тўрт йил олдин Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигидан тиббий хизмат кўрсатишда ўз даволаш услубимизга лицензия олиб, иш бошлаган эдик. Эндиликда бизнинг тажрибаларимиз, ишимиздаги ютуқлар бизларни аҳоли зич жойларга - шаҳарга яқинлаштирмоқда. Шу боис тиббиётга касби яқин бўлган турмуш ўртоғимни ва махсус тиббий билимга эга бўлган ўғлимни бу ишга жалб қилдим. Ҳамшираларимиз эса етарли малакага эга бўлиб қолишди. Тўғри, одамларга фойдамиз тегяпти, лекин атрофдаги бизни қўллаб-қувватловчи яхши инсонларнинг хайрихоҳлигисиз, уларнинг кўмагисиз чўққига чиқиш қийинлигини ҳам ҳис қилиб турибмиз.

Энди саволингизга жавоб: тиббиётдаги халқаро миқёслар амалиётида бўлганидек, биз ҳам махсус шифобахш сувни қумуш ионлари билан тўйинтирамиз. Беморга қўйилган ташхисга, унинг аҳволига қараб турли мосламаларимиз орқали бемор организмига юборамиз. Муолажаларимиз ҳар хил доридармон ва уколлардан воз кечиш эвазига асосан физиотерапевтик-электр токи импулсидан, шифобахш игналардан, массаж ва бошқа маҳаллий усуллардан фойдаланамиз.

- Техник ихтироларингиз муолажада ўз ўрнини топяяптими?

- Бир қатор техник ихтироларимиз бор: улардан бири ихчам чўнтак ингалятори ҳақида айтмоқчиман. Бу янги ингалятор доривор модда учун сигим ҳамда оддий воронкадан иборат. Бу тиббиёт техникаси қулайлиги, ҳар қандай шароитда - уйда, ишхонда, йўлда қўлланишга имкон бериши билан ажралиб туради. Бронх системаси касалликлари - ангина, бронхит, гоймарит, бронхиал астма ва бошқа шамоллашдан келиб чиқадиган оғиз-бурун ва томоқ касалликларини даволашда жуда қўл келади. Бу фойдали моделимиз ҳақида Давлат патент идораси расмий ахборотномасининг 2003 йил 3 сонида босилиб чиқди. Бу моделнинг фойдаланишга қулайлиги, сотуда эса арзонлиги боис кўплаб буюртмалар тушмоқда. Аммо, бу ингаляторни, шунингдек, бошқа ихтироларимизни ҳам тезда ишлаб чиқариб, мижозларга етказиб бериш учун 5 кишидан иборат кичик жамоамизнинг иқтисодий имконияти етмай турибди. Шу боис сармоядор ҳамкор-шериклар излаяпмиз.

Ҳисоб-китобимизга қараганда қўйилган маблағ ўн йилларгача ҳар ойига 20-30 фоиз фойда олиш имконини беради. Фаолиятимизга қизиқувчи ёки бизни ҳомийликка олувчилар билан ҳамкорлик қилишни таклиф қилардик. Интернетдаги адресимиз - aral-lekar@land.ru.

Суҳбатдош: А.РАҲИМҚУЛОВ.

● Тадбир

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ СЕРЖИЛО

Тошкент туманидаги Келес шаҳридаги "Шохрух" тўйхонасида Обод маҳалла йилига бағишланиб Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубий маркази, Тошкент туман ҳокимлиги, Тошкент туман Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида маънавий тадбир бўлиб ўтди. У "Тўйларимизни ихчам ва сермазмун ўтказайлик" мавзусида бўлиб, намунали баҳс-мунозарага сабаб бўлди.

Бу тадбирни Тошкент туман ҳокими Сайфулла Темиров кириш сўзи билан очиб берди.

Баҳс мунозарага йиғилган туман маҳаллалари фуқаролар кенгашларининг раислари, хотин-қизлар қўмиталари раисалари, маҳалла фаоллари, нуроний отахону онахонлар мутахассислар ва олимлар билан яқиндан мулоқотда бўлдилар.

Ўзбекистон Бадиий Академияси Камолиддин Беҳзод номидаги миллий дизайн ва рассомлик санъати институтининг ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Усмон Қорабоев, санъати арбоби Темур Маҳмудов "Ўзбек тўйларида ижро этиладиган тўй қўшиқлари" хусусида гапириб бердилар.

Профессорлар Саодат Йўлдошева, Маматқул Жўраев тўйларда ижро этиладиган ёр-ёрлар, лапарлар, тўй-маросимларнинг ҳудудларга хос хусусиятлари ҳақида сўз юритдилар.

Тошкент туманидаги Навоий маҳалласи фуқаролар кенгаши раиси Эркин Ғуломов, Ҳувайдо маҳалласи фуқаролар кенгаши раиси Абдушукур Салимов ҳамда Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғини, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Зуҳра Исмоиловалар жойларда ўтказилаётган тўйларни назорат қилиш ва уни тартибга солиш ишларида маҳалла фаолларининг олиб бораётган ишлари ҳақида маълумотлар бердилар.

Баҳс-мунозара давомида мутахассис ва олимлар йиғилганларнинг қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

Ўзбекистон Халқ артистлари Олмахон Ҳайитова, Марям Сатторова, М.Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси, хизмат кўрсатган "Баҳор" халқ рақс ансамблининг хонандаси Абдулла Раҳимжонов, Ойхон Ёқубова раҳбарлигидаги "Гавҳар" халқ фольклор-этнографик ансамбли ва Тошкент Давлат Маданият коллежининг талабалари, хонандалар Муҳаммаджон Қозоқбоев, Маҳфуза Боймирзаева, Нигина Исматова ва бошқалар ижросида тўйларда айтиладиган қўшиқлар, ёр-ёрлар, тўй-маросимлари ҳақидаги театрлаштирилган лавҳалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Муборак НИЁЗОВА,
Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубиёт марказининг мутахассиси.

● Тарих яратган авлодлар

МИРЗА САМАРҚАНДИЙНИНГ «КУНДАЛИКЛАРИ»

XIX асрнинг 70-80 йилларида Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида ўз даврининг илғор фикрли, ўқимишли ва билимли ўлкашунослари, қадимий шарқ қўлёзмаларининг йирик билимдонлари, хаттотлар, таржимонлар, рассомлар яшаб, самарали ижод этмоқда эдилар.

Мана шулар сафида ўлкашунос олим, шарқ қўлёзмаларининг йирик билимдони, Хаттот ва таржимон Мирза Самарқандий ҳам бор эди.

Унинг тўлиқ исми Мирза Абдураҳмон Ибн Муҳаммад Латиф Мустажир Самарқандий бўлиб, XIX асрнинг 30-йилларида Самарқанднинг Кўкмасжид маҳалласида туғилган.

Мирза Абдураҳмон ёшлигида эски мактабда таълим олиб, кейинчалик Самарқанд шаҳридаги мадрасаларнинг бирида ўқишни давом эттиради. Мадрасада икки йил ўқигач, оилавий шароити туфайли уни давом эттира олмайди. Мирза Абдураҳмон устозларидан хаттотлик ҳунарини ўрганиб, бироз муддат аризалар ёзиб берувчи мирза бўлиб хизмат қилади. Айни бир вақтда қадимий меъморий обидалар ва қабр тошлардаги ёзувлардан нусхалар кўчириш билан ҳам шуғулланган.

Мирза Абдураҳмон кейинчалик ота касби - савдогарчилик йўлидан бориб, отаси билан Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида, Туркистон шаҳарлари ва Россиянинг йирик шаҳарларида савдо-сотиқ ишларини олиб борган. Дастлаб ҳунармандчилик буюмлари билан савдо қилган бўлса, кейинчалик Россиянинг Оренбург, Нижний Новгород, Самара сингари савдо ривожланган шаҳарларида ҳамда Ирбит ярмаркаларида қизғин савдо ишлари билан шуғулланган. Мирза Абдураҳмоннинг Россия шаҳарлари бўйлаб савдо соҳасида фаолият кўрсатиши, унинг савдо-сотиқ ишларининг, қонун-қоидаларини пухта ўзлаштириб олиш билан бирга рус тилини ўрганишга имконият яратган. Мирза Абдураҳмон XIX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб, талантли аттот ва истеъдодли таржимон сифатида танилди. Самарқанддаги Гўри Амир, Шоҳизинда биноларига ҳамда қабр тошларига, Мирзо Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари деворлари пештоқларига арабий ва форсий ёзувлардан нусхалар кўчириб, таржима қилди.

Мирза Абдураҳмоннинг хаттотлик, таржимонлик, ўлка тарихи, хусусан, қадимий жойлар тарихини яхши билганлигидан хабар топган шарқшунос Александр Кун Мирза Абдураҳмонни Туркистон ўлкасига ўзи билан бирга олиб кетади. Жумладан, Александр Кун Мирза Абдураҳмонни Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги ва Хива хонлигига тегишли қадимий шаҳарларига таржимон сифатида олиб келган. Шундай қилиб, Мирза Абдураҳмон 1870 йилнинг апрел ойидан июл ойигача Китоб, Шаҳрисабз, Ургут ва Панжикент шаҳарлари бекликлари ва унинг атроф ҳудудларини ҳар жиҳатдан ўрганишда фаол қатнашди.

Шунингдек, Мирза Абдураҳмон Зарафшон дарёсининг юқори қисмида жойлашган ҳудуд аҳолисининг ўтмиш тарихи, маданияти, аҳолисининг миллий таркиби, турмуш тарзи, хўжалиги, уфр-одатлари, тили тўғрисида, XIX асрга доир кўплаб қимматли маълумотлар тўплади.

Шунингдек, сафар давомида Мирза Абдураҳмон ҳар бир шаҳар ва қишлоқ, жой номи ва унинг келиб чиқиш тарихи, қадим жойлар тарихи, қалъа, қўрғон, минора, ғорлар, қоялар, улардаги ёзув ва тасвирлар тарихи, қадимий меъморий бинолар, масжид, мадраса ва мақбараларнинг ички ва ташқи қисмидаги ёзувлар маъноси, бу ёзувлар қачон ва ким томонидан ёзилганлигини сўраб-суриштириб, ўз кундалигига ёзиб олган. Ўлкашунос олим ва таржимон Мирза Абдураҳмон маҳаллий аҳоли орасида қишлоқма-қишлоқ юриб, улардан турли эртак, афсоналар, ривоятлар, тўй маросимлари ва дафн қилиш одатлари, ерли аҳолининг кийим-кечаги, озиқ-овқати, уй-жойи, анжомлари тўғрисида ҳам кўплаб қимматли ва муҳим маълумотлар тўплайди. Мана шу маълумотлар ўлкамиз, хусусан, Зарафшон дарёсининг юқорисида жойлашган аҳолининг тарихи, маданияти, турмуш тарзини ўрганишда зарурий манбадир.

Юртдошимиз Мирза Абдураҳмон 1872 йили Москвада ташкил этилган йирик кўргазмада қатнашиб, кўргазманинг Туркистон бўлимида тушунтириш ишларини олиб борди. Самарқанддаги машҳур Регистон майдонидаги Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг чизма рангли макетлари ўрнатилган ва миллий услубда безатилган бу бўлимда бир ярим мингга яқин турли хил экспонатлар жой олган. Бу тарихий кўргазмада Туркистон ўлка аҳолисининг ўтмиш тарихи, маданияти, турмуш тарзи, қисқаси, кундалик ҳаёти акс эттирилган. Кўргазма залларида Александр Кун ва Мирза Абдураҳмон томонидан 1870 йили тўпланган тарихий ашёлар ҳам ўрин олган. Булар асосан ҳунармандчилик устахоналари, дастгоҳларида тайёрланган буюмлар, маҳсулотлар, аҳолининг кийим-кечаги, ов ва меҳнат қуроллари ва бошқаларни ташкил этади. Кўргазмада бутун Туркистон ўлкасидан тўпланган экспонатлар - миллий кашта ва сўзаналар, гилам, дўппилар, хотин-қизларнинг зеб-зийнатлари заргарлик буюмлари шунингдек, пахтачилик, ипакчилик, боғдорчилик, чорвачилик, ўрмончилик ва уларнинг маҳсулотлари ҳам кенг намойиш этилди.

Кўргазма 1872 йилнинг 30 майидан 3 сентябригача фаолият кўрсатиб, шу давр ичида кўргазмани 350 минг 536 та томошабин келиб кўрган.

Демак, Туркистон бўлимидаги 1500 га яқин турли хил экспонатларни келганларга тушунтиришда юртдошларимиз самарқандлик Мирза Абдураҳмон ва тошкентлик ўлкашунос Мир Сафарларнинг хизматлари каттадир.

Шундай қилиб, ўлкашунос олим ва таржимон Мирза Самарқандий ўз фаолиятида «Зарафшон дарёсининг юқориси - Искандар кўлига қилинган сафар кундалиги» ҳамда «Москва кўргазмаси кундалиги» асарларини ёзиб, бизга мерос қилиб қолдирди. Ҳозир бу муҳим ва қимматли маълумотномалар Россия фанлар академияси шарқшунослик институтининг Петербург бўлимида 133 ва 806 делоларда сақланиб келинмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ.

● Жаҳон спорти

Ўзимизга ўхшайдиган Алина

Алина Кабаева. Бу номни эшитганда кўз олдингизга кимни келтирасиз? Аслида бу саволимиз ўринсиз ҳамдир. Чунки бугун кўпчилигимиз бу исм-шариф соҳибаси бадиий гимнастиканинг жаҳонга машҳур тимсоли эканини яхши биламиз.

Ўтган ойда Будапешт шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Алина Россия терма командасига тўртта олтин медал келтирди ва бадиий гимнастиканинг барча йўналишлари бўйича мутлоқ жаҳон чемпиони нуфузига эришди. Мадридда ўтказилган аввалги жаҳон чемпионатида ҳам Алина биринчи ўринни эгаллаган, лекин мусобақалардан анча вақт ўтгач Халқаро Бадиий гимнастика федерацияси "Алина Кабаева беллашув чоғида таъқиқланган допинг истеъмол қилган" деган даъво билан унинг ғалабасини йўққа чиқарган ва спортчини бир қанча муддатга беллашувлардан четлаттан эди. Умуман, бу ҳолат юзасидан турли қарашлар мавжуд бўлиб, мутахассислар спортчининг гўёки допинг истеъмол қилгани асоссиз даъво деган фикрни айтиб, бунга қатъий далиллар келтирилганди. Нима бўлганда ҳам белгиланган муддат тугаши биланоқ, яъни ўтган йилнинг охирида Алина Испаниянинг Гренада шаҳрида ўтган Европа чемпионатида муваффақият билан иштирок этиб, мутлоқ чемпион деган номга спортдаги фаолияти давомида тўртинчи марта сазовор бўлганди ва бу билан у иқтидори ва салоҳиятига биллирилган ҳар қандай шубҳаларга чек қўйганди. Бу маълумотларни бугун бутун дунё спорт ишқибозлари биладилар. Лекин Алина Кабаеванинг таржимаи ҳолида ҳаммага ҳам маълум бўлмаган яна бир "сир" борки, у ўзимизнинг ўша машҳур "Пахтакор" футбол жамоасининг моҳир ҳужумчиси Марат Кабаев билан боғлиқдир. Гап шундаки, Алина Марат Кабаевнинг фарзанди, таъбир жоиз бўлса спортдаги давомчиси ва касбдошидир. Бу оила асли тошкентлик. Алина ҳали мурғаклигидаёқ Тошкентда бадиий гимнастика билан шуғулланишни бошлаган, 12 ёшидан эса уни Москвадаги спорт мактабида таҳсилга беришган эди. Йиллар ўтиб тренерлари Алинанинг спортдаги келажагидаги фаолиятига умид билдирганларидан сўнг у Москвадаги таълимини давом эттиришга қарор қилганди. Алина кўп йиллар Москвада яшаганига қарамай кўпинча шарқ аёлларига хос фикрлайди, камтарлик, ибо, майинлик, оғир-босиқлик билан сўзлаш фазилатларига эга. Унинг хорижнинг "7 дней" журнали мухбири билан қилган суҳбатидан ҳам шундай фазилат сезилиб туради. Мухбир машқур спортчидан ўзига керакли, яъни шов-шувли гаплар олишга ҳаракат қилади, унинг ҳаётидан, ҳаракатидан, сўзларидан қалтисроқ жиҳатлар, иқрорлар топмоқчи бўлади, ишқий "роман" излайди. Аммо Алина ўз жавобларида ёш қиз, айниқса, машҳур спортчига зарур бўлган одоб доирасидан чиқмайди.

Суратда: Алина онаси Любовь Михайловна ва мураббийси Ирина Александровна Винер билан.

"— Айтингчи, сиз кимга кўпроқ "қулоқ соласиз": она-отангизгами ёки мураббийингизга?

— Она-отамга ҳам, мураббийимга ҳам.

—Улардан қайси бири айниқса қаттиққўл?

—Дастлаб онам менга нисбатан жуда қаттиққўл эди. Лекин Москвада, 12 ёшимдан тренерлик қилган Ирина Александровна Винернинг менга талабчанлигини кўриб, Тошкентдан мени кўришга келган онамнинг ҳатто раҳми келарди. Энди онам, отам, тренерим ҳам менинг мустақиллигим хулоса ясай олишимни тан олишади. Ўзим хоҳламаган юмушга мени мажбурлаб бўлмаслигини улар яхши тушунишади. Бу менга танбеҳ бериш мумкин эмас, дегани эмас албатта. Бадиий гимнастика бўйича катта мусобақаларда қатнашаётганимдан бери онам ҳамма ерда ҳамиша ҳамроҳим. Қолаверса, у она сифатида менга кўпроқ танбеҳ беришга ҳақли. Буйдай пайтларда уни "Мендан кўп хавотир олманг, оқ-қорани анча-мунча таниб қолдим, нима яхшию, нима ёмонлигини ҳам фарқлай оламан", дея хотиржам қиламан.

— Оила қуриш, фарзандли бўлиш борасида режаларингиз борми?

— Айни пайтда йўқ! Ҳозир ҳаётимнинг тўқсон тўққиз фоизини бадиий гимнастика банд этган. Ҳар ҳолда келаси йилнинг августида Грециядa ўтадиган олимпиада ўйинлари ўтмагунча шундай бўлади. Қўлга киритиш мумкин бўлган барча муваффақиятларга эришмагунча, бадиий гимнастикадан, спортдан кетгим йўқ.

— Ҳар қалай оилада эркак ва аёлнинг ўрни ҳақида бирон тасаввурингиз бўлса керак?

— Шу кунгача бу борада бир ҳақиқатни англадим: эркаклар кўпинча ўзларини гўё ёш боладек тутадилар. Муҳими, уларнинг сўзларини бўлмасдан, диққат билан тинглай билиш лозим. Шунда оилага, муносабатларга дарз кетмайди, менимча.

— Вақти келиб ўзингиз ҳам шундай йўл тутасизми?

— Албатта!.."

Жаҳон чемпионати мусобақаларидан қайтар экан Москванинг Шереметьево аэропотида Алина журналистларга интервью бераётганда шундай деб алоҳида таъкилдади: «Аниқ биламанки, мусобақалар давомида менга бутун Ўзбекистон омад тилаб турди. Мен бу меҳрни юрақдан ҳис қилдим, ундан куч олдим!..» Яқинда эса Алинага мухлис бир ҳамюртимиз уни кимнинг қизи эканлигини билгач, "Қаранг-а, ўзи кўз-қоши ўзимга иссиқ кўринганди-я, демак ўзимизнинг қизимиз экан-да" деди ҳайрат билан. Ҳар ҳолда бу гапда ҳам жон бор.

Мавлуда ҚОСИМОВА.

● Маҳалла мавзусида

ҲАНГОМА САБОҚ БЎЛДИ

(Аҳён-аҳёнда учраб турадиган кулгули ҳолат ҳақида)

Моддий ёрдам олмоқ учун,
Жам бўлди уч-тўрт хотин.
Ёзишиб арзномасин,
Имзолаб қўйди отин.
Маҳалла оқсоқолининг,
Ҳузурига киришди,
У ёқ-буёқдан сўзлаб,
Ҳол-аҳвол ҳам сўрашди.
Сўнг мақсадга ўтишиб
Топширишди арзнома.
Ана ўшандан кейин
Бошланди бир ҳангома
Оқсоқол деди: «Майли,
Уч ой ёрдам оласиз
Фақат андаккинасин
Киссамизга соласиз».
Шундай деб раис тезда
Аёлларни кузатди.
Қоғозларни виқорла
Котибига узатди.
Вақт ўтди, ёрдам олди
Икки ойга аёллар.
Лекин ёрдам пулининг
Бир ойлиги ҳаяллар?
Аввалига уч-тўрт бор
Идорага чопишди.
Раис, котиб имзосин
«Ведомость» дан топишди.
Маҳаллада жам бўлиб
Оқсоқолни кутдилар.
Ахийри ҳийлагарни
Бир кун тонгда тутдилар.
«Топиб бер ҳаққимизни»
Дея уввос солдилар.
Андиша қилмай ҳатто
Ёқасидан олдилар.
Котиб турар қалтираб
Игна ютган итдайин
Аёллар ҳамла қилди,
Мисоли бургутдайин
Аёллар ўз ҳақларин
Шу куниёқ олдилар.
Раис, котиб «ўлжа»ни
Юта олмай қолдилар.
Шу-шу маракадан ҳам,
Келтир демас бир товоқ.
Бу ҳангома бир умр
Бўлган эди бир сабоқ.

Сойибжон СОБИРОВ.
Марҳамат тумани Гаргар маҳалласи.

Обуна-2004 • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla

Ф. МТ-1

АБОНЕМЕНТ газета / журнал (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.и. жойи

Mahalla (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

АЗИЗ, МУШТАРИЙ!

Сизнинг ўз газетангиз — «Mahalla»га Ўзбекистоннинг ҳар бир жойида алоқа бўлимлари, киосклар, хуллас, «Матбуот таркатувчи» АКнинг ҳар бир тармоғидан обуна бўлишингиз мумкин.



— Тотли нонинг заҳмати далада деҳқон меҳнати, шунингдек, юртошларимизгагина хос бўлган ҳунармандлик— тандирсозлик заҳматига ҳам боғлик эканлигини билиб қўйсангиз ёмон бўлмас, — дейди, Қува туманидаги Чилон қишлоғида тандирчилик билан шуғулланувчи Салимжон ота Эргашев.

Суратни Ш.ҚОРАБОЕВ олган.

Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм

● Эълонлар

Тошкент шаҳар А.Икромов тумани ИИБ томонидан хусусий тадбиркор Исоҳоджаев Нодирходжа номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 12 сентябрда Султонова Мактуба Тохиржон қизига берилган тикувчилик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи N 0522241 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Хамза тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 22 апрелда Жалилов Акбар Сатторович номига берилган 0714323 рақамли савдо гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда кундалик ташвишлардан зерикмасдан, лекин ўзингизга қизиқарлироқ машғулот излаб оввора бўлманг, шунчаки дам олинг.

СИГИР(22.0420.05)

Ота-она ва оилангизнинг бошқа аъзолари билан бўладиган муносабатларда нечоғли эҳтиёт бўлишингиз зарур, ортиқча танқиддан ўзингизни тийинг.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Келаси чоршанбагача ҳеч кимга қарз берманг, лекин қарз ҳам сўраманг. Умуман молиявий ишларингизни бир тартибга солиб олсангиз, ўзингизга фойда.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Анча муддатдан бери орзиқиб кутилган сафарга чиқишингиз мумкин. Лекин ундан кутилган самарага осонликча эришмайсиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда қўнгилочар тадбирларга ҳаддан зиёд берилманг, диққатингизни касбий фаолиятингизда йиғилиб қолган юмушларга қаратинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Кунларингиз оддий кечмоқда. Иш ва оила. Лекин дам олиш кунларини оила даврасида ўтказганингиздан ўзингиз ҳам хушнуд бўласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Дўстларингиз сизни шу кунларда тез-тез йўқлаб қолишганига сира ҳайрон бўлманг. Шунчаки шу кунларда сиз кўпчиликка керак бўлишингиз мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Айни кунларда фарзандлар тарбиясида кўплаб муаммолар туғилиши мумкин. Уларни ортиқча қаттиққўллик қилмай, босиқлик билан ҳал этинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Дам олиш кунларини соғлиғингизни тиклашга бағишланг. Шунда ўзингизни ва яқинларингизни ортиқча ташвишдан халос қиласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Фасл алмашинув вақти кайфиятингизга салбий таъсир қилиши мумкин. Одамларга хушмуомила бўлишга ҳаракат қилинг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Сиз учун омадли келаётган ушбу кунлардан унумли фойдаланасангиз, анчадан бери йиғилиб қолган муаммоларингизни ҳал этишга эришасиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Меҳмондорчилик билан боғлиқ тадбирлар кейинги кунларда сизнинг вақтингизни ўғирлаши мумкин. Имкони бўлса бир-икки тадбирдан воз кечинг.

Утерянный аттестат O'R-V0004261 выданный 23 июня 2001 года школа-лицей N6 Сергелийского района города Ташкента на имя Ташматовой Камилы Хумоиновны считать недействительным.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ томонидан «Файзу Баракат» хусусий фирмасига берилган бурчак штампи ҳамда думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75, Хатлар бўлими: 136-57-62.

4946 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-923 Топширилди—